

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2024йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарорига асосан 2022 йил инвестиция дастури доирасида жами 86 та умумий фойдаланишдаги автомобиль йўларида (шундан, 76 та йилдан-йилга ўтувчи ва 10 та янгидан бошланадиган объектлар) қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши ҳамда 126,5 км автомобиль йўли фойдаланишга топширилиши белгиланган.

Маълумот учун: 2022 йилда объектларда 1 трлн 682,2 млрд сўмлик (режага нисбатан – 113,1 фоиз) ишлар бажарилди ва 130,1 км (режага нисбатан – 102,8 фоиз) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари реконструкция қилинди.